БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши
№ 96 (1874)
16 МАЙ СЕШАНБА 1961 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Бугун Тошкентда, Навоий номли театрда Ўзбекистон хотин-қизларининг II съезди очилади.

Съезд қатнашчиларига алангали салом!

КОММУНИЗМНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ИЖОДКОРЛАРИ

Биз бугун, республикамиз хотин-қизлари съезди очилаётган кунда, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилишнинг ажойиб намуналарини кўрсатаётган, болаларимизни оналик муҳаббатининг оташин меҳри билан тарбиялаётган хотин-қизларимиз билан яна бир бор фахрланамиз.

Республика хотин-қизлари съезди мамлакатимизда етти йилликнинг улуғвор режалари муваффақиятли амалга оширилаётган, бутун совет халқи партиямиз XXII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳормай-толмай ижодий меҳнат қилаётган оламшумул тарихий шароитда тўпланмоқда. Шу нарсани зўр, мамнуният билан қайд қилиб ўтиш керакки, мамлакатимизда коммунизм қурилишининг барча соҳаларини хотин-қизларимизнинг актив иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда хотин-қизларимизнинг роли ғоят ортди. Хотин-қизлар орасидан минглаб ишлаб чиқариш новаторлари, фан, маданият ва давлат арбоблари етишиб чиқмоқда. Улар ўз талант ва қобилиятларини намойиш қилиб кўрсатмоқдалар. Бу — совет тузумининг ҳаётбахш самараси СССР Конституциясида белгиланган буюк ҳуқуқларнинг тўла гантанасидир.

Мамлакатимиз тараққиётининг барча даврларида қўлга киритилган муваффақиятларимиз совет хотин-қизларининг фидокорона меҳнатлари билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун ҳам улар ҳақли равишда жамиятнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Республикамиз, шу жумладан областимизда кейинги йилларда хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар бирмунча яхшиланди. Ҳозирги вақтда областимиз халқ хўжалигининг хотин-қизлар иштирок этмаётган биронта соҳаси йўқ. Улар саноат корхоналарида ишлаб мураккаб машиналарни моҳирлик билан бошқармоқдалар, уй-жой бинолари қурмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ингирувчиси Валентина Пидинова ва Садди Пўлатова, В. И. Ленин номли радиолампа заводининг ишчиси Аила Сафонова, Чирчиқ электрқимё комбинатининг электриги Ҳалима Алимова, тошкентлик қурувчилардан Любовь Белова сингари кўпгина хотин-қизларимиз коммунистчасига яшаш, ўқиш ва ишлаш учун бошланган мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. Коммунистик меҳнат бригадаси ва зардбори номини олиш учун курашаётган 140 минг кишининг ярмини хотин-қизлар ташкил этади.

Саноатда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном учун мусобақалашаётган бригадалар, фермалар, участкалар ва бўлимлар сафи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг йўлчи юлдузлари сони тобора кўпаймоқда. Ана шу йўлчи юлдузларимиз орасида Турсуной Охунова, Анна Полюнина, Роза Квон, Шарофат Бозорова, Зуҳра Комилова, Саодат Гулаҳмедова, Мария Ковалева ва бошқа кўп сонли хотин-қизларимизнинг ҳам борлиги айниқса қувончлидир. Машҳур механизатор Турсуной Охунованинг ажойиб ташаббусига қўшилиб ҳозирги вақтда республикамизда 1100 дан ортиқ хотин-қиз машина бошқаришни ўрганиб олдилар ва ўтган йили муваффақият билан пахта терди лар.

Хотин-қизлар давлатни бошқаришда, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида актив қатнашмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Совет депутатлари орасида областимиз хотин-қизларидан 5479 киши бор. Саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотларда 3 мингдан зиёдроқ инженер хотин-қиз ва мактабларда 12 мингдан кўпроқ ўқитувчи ишламоқда. Соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаётган хотин-қизлар жуда кўп.

Партия, ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрликлари туфайли хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароити тобора яхшиланмоқда, улар учун хизмат қилаётган, болалар муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони кўпаймоқда. Кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат томонидан нафақа тўланаётганлиги ҳам хотин-қизларимиз чинакам иззат-ҳурмат қилинаётганлигини кўрсатиб турибди.

Шуни ҳам эътироф қилиш керакки, хотин-қизларни тарбиялаш, уларни мамлакатимиз ҳаётидаги ролини оширишга етарли эътибор берилмаётганлиги ҳақидаги фактлар ҳам мавжуддир. Айрим жойларда хотин-қизларнинг куч ва қобилиятини менсимаслик ҳоллари учрайди.

Идеология ишимиздаги энг катта камчиликлардан бири хотин-қизларга ҳали ҳам бой-феодалларча муносабатда бўлиш ҳолларининг борлигидир. Мактабларимизда минглаб ўзбек қизлари таълим олмоқда. Лекин шу билан бирга ҳали ҳам мактаб ёшидаги анчагина қизлар ўқишдан четда қолмоқдалар.

Шунга эришайликки, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларимиз уларни мамлакатда коммунистик жамият қуриш ишига кенг жалб этишга хизмат қилсин. Хотин-қизларнинг талант ва қобилиятларини ошириш, уларни бундан буён ҳам рақбарлик ишларига дадил кўтариш ва бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш партия ва совет ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Республикамиз хотин-қизлари ўз съездларини саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда ажойиб ғалабалар қўлга киритилаётган ва жонажон партиямиз XXII съезди шарафига умумхалқ мусобақаси кенг авж олдирилган бир вазиятда кутиб олдилар. Биз уларга бахт-саодат ва равнақ, Ватанимиз қучқудратини ошириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида янада янги муваффақиятлар тилаймиз.

Н. С. Хрушчев Тбилисидан жўнаб кетди

ТБИЛИСИ, 14 май. (ТАСС). Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилгани ва Грузия Коммунистик партияси тузилганининг 40 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев бугун Тбилисидан жўнаб кетди.

Вокзал олди майдонда шаҳарнинг минглаб аҳолиси — саноат корхоналари коллективларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, партия ва совет раҳбар ходимлари, қардош республикалар делегацияларининг бошлиқлари тўпландилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев раҳбар ходимлар, меҳнаткашларнинг вакиллари билан самимий хайрлашди, қизғин кутиб олинганлиги учун ташаккур изҳор қилди, грузин халқига коммунизм қуришда янги муваффақиятлар тилади.

Тбилисида митинг

ТБИЛИСИ, 13 май. (ТАСС). Бугун «Буревестник» стадионида меҳнаткашларнинг Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Грузия Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 40 йиллигига бағишланган кўп минг кишилик митинги бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, республика Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Жавахишвили, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзе, тантаналарда қатнашмоқ учун келган делегацияларнинг бошлиқлари минбарга чиққанларида улкан стадионда гулдурос овация янграйди.

Ўртоқ В. П. Мжаванадзе қисқача кириш нутқи сўзлаб, митингни очади.

Ленин номидаги Тбилиси электровозсозлик заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи В. Елизарашвили, Махарадзе районидаги Киров номли колхознинг чойкори Н. Гогатадзе, Тбилисидаги 1-тикувчилик фабрикасининг ишчиси П. Богданова, Сталин номидаги Тбилиси университетининг ректори Е. Харадзе митингда сўзга чиқиб, республика ишчилар синфи, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, зиёлилари номидан партия ленинчи Марказий Комитетини, Ўртоқ Н. С. Хрушчевни ишонтириб айтдиларки, Грузия меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг топшириқларини бундан буён ҳам муваффақиятли бажармоқ учун, коммунистик жамият барпо этишдан иборат буюк ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Митингда нутқ сўзлаган Ўртоқ Н. С. Хрушчевни ва ерда ҳозир бўлганлар гулдурос ва давомли овация билан кутиб оладилар.

САМИМИЙ ТАШАККУР

1961 йил 12 апрелда «Восток» — йўлдош кемасида биринчи марта космик фазога учганлигим муносабати билан юборилган қизғин қутловлар ҳамда яхши тилаклар учун Совет Иттифоқидаги ва чет эллардаги ҳамма ташкилотларга ва гражданларга самимий ташаккур изҳор қиламан.

Социалистик тузумнинг буюк тарихий ғалабалари натижасидагина космоса муваффақиятли парвоз қилиш мумкин бўлди. Шу сабабдан ўз номимга юборилган табрикларни даставвал совет халқига, ҳукуматимизга ва жонажон Коммунистик партияга йўллайман.

Ю. ГАГАРИН.
1961 йил, 13 май.

БАҒДОДЛИК ПИЛЛАЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!



Оржоникидзе районидаги Свердлов номли колхоз пиллачилари ғин қўллаб-қувватламоқдалар. 9-синф ўқувчиси Озода Сафарова Юнусова бошлиқ пиллачилик звеносида ҳам ишламоқда. Звено нига давлатга 300 килограмм пилла топшириш мажбуриятини йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Суратда: (чапдан) Озода лар терилган пилланинг сифатини кўздан кечираётирлар.

бағдодликлар ташаббусини қизилм олиш билан бирга Рашида аъзолари бу йил пландаги 150 ўр. олиб уни шараф билан бажариш Сафарова ва Рашида Юнусова.

А. Абалян фотоси.

Максим Горький номли колхоз пилла тайёрлаш планини бажарди

Сирдарё. 15 май. Максим Горький номли колхоз пиллачилари баҳорги пилла қурти боқишни намунали ўтказиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳамма пиллачилик звенолари ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, қуртни тўйдириб, нормал шароитда боққанликлари туфайли қуртлар эрта дастага кирди ва барвақт пилла ўради. Шу туфайли колхозда пилла териш эрта бошланди.

Кеча колхоздан хуш хабар олинди. Колхоз пиллачилари пилла тайёрлаш давлат планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. 3502 килограмм пилла топширилиб, план муваффақиятли бажарилди.

Давлатга пилла топшириш давом этмоқда.

Пиллачилар ғайрати

Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг пиллачилари бу йил ғайрат билан меҳнат қилиб, мўл пилла ҳосили етиштираётирлар. Совхознинг биринчи бўлими ишчилари 98 қути, 2-бўлими ишчилари 82 қути ипак қурти боқиб, давлатга уларнинг ҳар қутисидан 65 килограммдан юқори сортли пилла ҳосили топшириш мажбуриятини олганлар. 1-бўлим пиллачиларидан О. Ҳолиқова, У. Арзиева, К. Муқиддинов, 2-бўлим пиллачилридан Ш. Имомалиева, Т. Султонова. М. Йўлчиева, Т. Зокиров ва С. Саматова ўртоқлар ҳар қути ипак қуртидан 110-115 килограммдан пилла ҳосили етиштириш учун қуртларни жадал усул билан боқмоқдалар. Ҳозир ипак қуртлари бирин-кетин дастага кирабошлади.

— Ўтган йили пилла етиштириш мажбуриятини анча ортиғи билан бажарган эдик, — дейди 2-бўлим пиллачилик бригадасининг бошлиғи Ўртоқ И. Султонов, — бу йил ҳам агротехника қоидаларига тўла риоя қилаяпмиз. Яқин кунлар ичида зиммамизга олган мажбуриятни албатта бажарамиз.

Р. АХТЕМОВ.

Ваъдасининг устидан чиқди

Адол опа Турсунова ипак қурти боқишда кўп йиллик тажрибага эга. У бу йил ҳар қути ипак қуртидан 85 килограммдан пилла топширишга аҳд қилган эди. Адол опа ҳарқачонгидаги каби бу йил ҳам ўз аҳдининг устидан чиқди. У пилла топшириш планини «Қизил Ўзбекистон» колхозида биринчилар қатори бажаришга муваффақ бўлди.

Шу кунларда у пландан ташқари пилла топширяпти.

Т. РУЗИМАТОВ.
Оржоникидзе райони.

МЕҲР БУЛОҒИ

(ОЧЕРК)

<>

Касалхонанинг соя-салқин боғларида, гулзорлар атрофида беморлар дам олмоқдалар. Бир хиллари қайси бир доктор ҳақида қизғин мунозара қилишади, биров берилиб китоб ўқийди, ёш-яланглар шахмат, шашка билан овора, нарироқда биллиард ўйнаётган йигитлар ҳар замонда «эҳ, мана бўлмаса» деган овозлар чиқариб қўйишади. Гоҳо оқ халат кийиб олган ҳамширалар, худди оқ қушлар хиромон қилгандек гулзор оралаб ўён-буён ўтаркан:

— Иван Васильевич, сизнинг ухлаш вақтингиз бўлди, қани палатка марҳамат қилинг.

Ёки:

— Хосиятхон, ҳадеб китоб ўқийверманг, чарчаб қоласиз, — деб меҳрибон оналардек танбеҳ беради, ғамхўрлик қилади.

Скамейкада ёшгина бир она икки фарзандини ёнига ўтқазиб ғалма-гал уларнинг юзидан, кўзидан ўпиб эркаламоқда. У қизчасини бағрига маҳкам босиб:

—Оббо, оппоқ қизимей, лентангни ким тақиб қўйди?—деб сўради.

Қизча онанинг бўйинларидан қучиб эркаланди:

— Ойи, энди тузалдингизми, энди сира касал бўлмайсизми?

— Йўқ, қизим, энди ҳеч ҳам касал бўлмайман.

Шу пайт нариги ёнида ўтирган ўғилчаси:

— Ойи, биз сизни жуда соғиндик, — дея эркаланди.

Она фарзандларини яна суйди, эркалади. Кўзларига севинч ёшлари келди, йиғлади... Эҳтимол бу ерга келмасдан аввал бемор тўшагида ётганида ҳис қилган умидсизлик, хасталик сингари туйғулари хотирасида яна жонлангандир. Бир хиллар уни тузалмайди деб жуда қўрқитган эди. Ўшанда она ўз касалини эмас, фарзандларини ўйлаб юм-юм йиғлаган эди. Мана у дардига шифо топди. Эртага ўз уйига соппа-соғ қайтади.

— Ҳа, болаларим, энди бутунлай соғайдим. Бунинг учун доктор Кашифа опага раҳмат денглар...

Скамейка ёнига енгил машина келиб тўхтади. Ундан кекса бир аёлни суяб бир йигит тушди ва «доктор Аҳмедовага қандай учрашсак бўларкин?», деб сўради.

— Аввал қабулхонага кирасиз,— тушунтирди ёш она.

Бир нафасдан сўнг Меҳри холани ич касаллар бўлимига олиб киришди. Уни Кашифа Аҳмедованинг ўзи, кўринишидан доктордан кўра кўпроқ муаллимага ўхшаб кетадиган, касаллар билан эмас, қувноқ ўқувчилар билан ишлаб, юзида, кўзида, муомаласида, сўз оҳангида қувноқлик, жўшқинлик бир умр из қолдирган муаллимадек аёл қарши олди.

— Белинг, онажон, — Аҳмедова ўрнидан туриб беморни стулга ўтқазди.

— Аҳмедова деганлари сиз бўласизми?

— Ҳа, мен бўламан.

— Энди, қизим, мен хастаман. Соғайиб кетишимга имоним ончалик комил бўлмаса ҳам сизни эшитиб, умидвор бўлиб келдим.

— Кўринишдан касалингиз хавфли эмасга ўхшайди! — ишонч билан деди Аҳмедова. Меҳри хола Аҳмедовани зўр доктор деб эшитган. Бунга қаттиқ ишонган. Демак, зўр доктор ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Кампир ўз касали ҳақидаги докторнинг мулоҳазасини эшитиб, иккиланиб қолди:

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Суратда: Ўзбекистон хотин-қизлари II съезди делегатларидан бир группаси.

Ўзбекистон хотин-қизларининг меҳмонлари

Байроқлар ва қизил алвонлар билан безатилган Тошкент аэропорти 15 майда байрам кунларидагидек гавжум эди. Улкан транспарантларда коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизларини шарафловчи сўзлар кўзга ташланади. Шаҳар жамоатчилигининг вакиллари Ўзбекистон хотин-қизларининг иккинчи съездида қатнашмоқ учун қардош иттифоқчи республикалардан келган меҳмонларни шод-хуррамлик билан кутиб олдилар.

Карнай ва сурнайларнинг овози тобора яқинлашиб келаётган ҳаво лайнери моторларининг гувуллашига жўр бўлиб янграйди. Арманистон меҳмонлари — Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг қирқ йиллиги кунини кеча нишонлаб ўтган халқнинг шонли қизлари келдилар. Қизил галстуклар тақиб олган ўқувчилар делегация раҳбари — Арманистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг мудири М. А. Асатрянга ва делегациянинг бошқа аъзоларига гулдасталар тақдим қиладилар.

Ўзбекистон хотин-қизлари съездида иштирок этмоқ учун Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Совет Иттифоқининг бошқа республикаларидан ҳам меҳмонлар келдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ II СЪЕЗДИГА

Жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, актив қурувчилари

Областимизнинг донгдор хотин-қизлари

Шарофат БОЗОРОВА, 1-«Боёвут» совхози тракторчи-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Саломат МУҲАММАДЖОНОВА, Тошкентдаги электроремонт заводининг директори.

Антонина Васильевна САЛИНКОВА, Тошкент тепловоз депосининг электр пайвандчиси.

Марҳамат КЕНЖАЕВА, Октябрь районидаги Охунбобоев номли маҳалла хотин-қизлар Советининг раиси, актив жамоатчи.

Шарифа САИДВАЛИЕВА, Тошкентдаги «Шарқ гули» фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг смена мастери.

МЕҲР БУЛОҒИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

— Иўг-е...— деди у алланечук бўлиб. Бутун вужуди билан беморнинг руҳий кечинмаларини кузатиб турган Аҳмедова «даволаш бошланди» дея хаёлидан ўтказди. Ўша куни кампир анализдан ўтказилди. Касалнинг зўрлигидан беморнинг бўғинлари ирғиб чиқиб кетган, оёқ-қўллар шиша боғлаган, юрак фаолияти қучсизланиб қолган. Касал ғоят оғир эди. «Ўзим айтганимдек, — деди Аҳмедова оддий бир нарса ҳақида гапираётгандек бепарво оҳангда,— касалингиз ҳеч хавфли эмас. 3—4 та укол билан оддий ҳамшира ҳам даволаб юбориши мумкин».

— Ростданми, қизим? — холанинг кўзларида умид учқунлари порлади.

— Бўлмасамчи,— деди Аҳмедова яна ҳам кучлироқ ишонч билан.— Сиз ўзингиздан-ўзингиз ваҳимага берилибсиз. Сизда касал айтарлик кучли эмас, лекин ваҳима зўрга ўхшайди.

...Бир неча кундан буён бировнинг кўмаги бўлмаса оёққа тура олмайдиган Меҳри хола палатага ёлғиз ўзи кириб кетди. Ҳатто бундай куч қаёқдан пайдо бўлиб қолганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун Аҳмедова шу нафасдан бошлаб ишга киришди. Докторнинг фикрича, аввало ҳар қандай беморда ҳам согайиб кетишига мустаҳкам ишонч тўғдириш керак. Бемор ўз касалининг албатта тузалишига қаттиқ ишонсин. Акс ҳолда қилинган дори-дармонлар унчалик наф бермай қўйиши мумкин.

Бу гапларнинг ҳаммасини бизга касалхонанинг бош врачи Содиқ ака Солиҳов гапириб берди. У сўзлашдан тўхтаб, ўчиб қолган попиросига ўт босди-да, бир нафас ўйга толди.

— Докторимизнинг донгини бутун республиканг ёйган асосий сабабдан яна бири, —деб сўзида давом этди у,—унинг меҳрибонлиги, кишиларга бўлган чексиз муҳаббатидир. Баъзан шундай пайтлар бўладики, байрам ёки дам олиш кунлари бўлишига қарамай, ўз беморлари ёнида қолади. Уларнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилади, гоҳо беморлар ёнида ўтириб тонг оттиради. Кашифа ҳақида ёзиш керак, китоблар, катта китоблар ёзиш керак.

Аҳмедованинг фикрича, айни бир хил касаллик организмнинг хусусияти, беморнинг темпераменти, ёш жиҳати, жинси, иродаси, куч-қуввати ва руҳий ҳолатига қараб турли кишиларда турлича кечади. Гарчи беморнинг касали аниқ бўлса ҳам унинг умумий ҳолатини ўрганмасдан туриб даволашга киришиш исталган натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун Аҳмедова ўз беморларини ижодий даволашга, кўпроқ дориларни комбинация қилиш йўли билан даволашга ҳаракат қилади.

Кашифа Аҳмедовани ўз палатасини айланиб чиқаётган маҳалда учратдик. У кўпроқ беморлар билан унинг оиласи, турмуши ҳақида суҳбатлашар, бугун анча яхши бўлиб қолганини таъкидлаб, гап орасида ҳазил-мутоиба сўзлар айтиб, уларни кулдирар эди. Танишгач, биз ўз мақсадимизни айтдик.

— Нима ҳам дер эдим,— деди у қўлларини икки томон ёзиб,— ишлаб турибмиз...

— Ўз тажрибаларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Менда тажриба нима қилсин,— деди Аҳмедова уялганиданми ёки бошқа сабабданми алланечук бўлиб, мен оддий бир врач бўлсам...

Содиқ ака мийғида кулиб:

— Кашифа ўзи ҳақида ҳеч нарса гапирмайди, — деб қўйди. — Аммо фалон бемор ҳақида гапир десангиз, бир сутка бўлса ҳам гапираверади. Аслида Кашифанинг қилаётган ишлари анча-мунча профессорларникидан қолишмайди.

...Кашифа опанинг докторликка бўлган ҳаваси жуда ёшлик маҳалида бошланган. Қўшниларнинг қизлари билан қўғирчоқ ўйнаган пайтларида у доктор ролини бажарар, ўзича қўғирчоқларни чўп билан «укол» қилиб оёққа тургизар эди. Кашифа опа ўз орзусига эришди. У 1940 йилда ТошМИнинг даволаш факультетини аъло баҳолар билан тугатди. Аввал Паркент районида, сўнгра ТошМИнинг ўзида кишиларнинг саломатлиги йўлида иш олиб борди. Профессор Асқаровнинг ички касалликлар клиникасида, айниқса, бой тажриба тўплади.

1950 йили 10-шаҳар касалхонаси ташкил этилганда Аҳмедова ана шу касалхонанинг ички касалликлар бўлимига бошлиқ бўлиб келди. 11 йилдирки, ўз вазифасини сидқидилдан адо этиб келади.

Аҳмедова бўш вақтларининг кўп қисмини жамоат ишларига бағишлайди. Айниқса, вақти-вақти билан жойларга бориб медицина темасида суҳбатлар ўтказишни, лекция ўқишни яхши кўради. Уни бешинчи марта Октябрь район Советига депутат қилиб сайлашди.

Суҳбатимиз охирлаб қолган эди. Шу пайт бош врач:

— Вақтларинг бўлса, бизнинг архив билан ҳам бир танишиб қўйинглар,— дея илтимос қилиб қолди.

— Архив? Қанақанги архив?

— Архив деганимиз шуки, коллективимиз номига, докторимиз Аҳмедова номига келган, келаётган ҳисобсиз раҳматномаларни папкаларга тикиб борамиз.

Партия ва ҳукуматимиз Аҳмедованинг халқ олдидаги хизматларини юксак баҳолаб уни яқинда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади. Шу муносабат билан олинган юзлаб табрикномалардан бирида шахсий пенсионер Тоҳир ота Тошмуҳамедовнинг мана бундай юрак сўзларини ўқиймиз: «10-шаҳар касалхонаси. Қизим Кашифа Аҳмедовага бориб тегсин.

Азиз қизим, Орден билан тақдирланганингни набирам газетадан ўқиб берди. Бу қувончли хабардан бир мен эмас, бутун оиламиз аъзолари беҳад қувондик. Орденинг муборак бўлсин, суюкли қизим! 80 баҳорни кўрган мендек бир кексанинг назарида сен ғоят жонкуяр, ғоят камтар докторгина эмас, меҳрибон она ҳамсан... Сени чин юракдан табриклаб қоламан».

Худойберди ТЎХТАБОЕВ.

Ҳамма шароит муҳайё

Комбинатимизни Ўрта Осиё енгил саноатининг ғиганти дейишади. Бу, ҳақ гап. Бизлар чиқараётган хилма-хил газламалар сифати ва миқдори жиҳатидан дунёдаги энг йирик тўқимачилик корхоналарникидан қолишмайди. Тошкент тўқимачилари қўлидан чиққан ранг-баранг читлар, сатинлар, фулярлар ва маль-маллар ҳозир кўпгина чет давлатларда ҳам юқори дидли харидорларга манзур бўлаётир. Буни экспортимиз миқдори йил сайин кўпаяётганидан, корхонамизни келиб кўрган чет эллик меҳмонларнинг гапларидан биламиз.

Ана шундай дунёга таниқли комбинатни юргизаётганлар, йилдан-йилга, кундан-кунга равнақ топтираётганлар кимлар? Асосан хотин-қизлар. Бу ерда ишловчиларнинг тўртдан уч қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Пахтани титиш, тозалаш ва пилталашдан тортиб то газмол тўқиш, уни охорлаш, тойлаш ва жўнатишгача бўлган ҳамма ишларни асосан хотин-қизлар бажаради. Бу ишларнинг қандай бажарилаётганлиги кўпларга маълум. Планлар ҳамиша ортиғи билан адо этилади. Шу йил ўтган тўрт ойнинг ўзида белгиланганидан 62 минг сўмлик кўп маҳсулот чиқарибмиз. Сифат хусусида ҳеч қаердан жиддий таъна эшитаётганимиз йўқ.

Коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори унвонини олган ҳамда шу ном учун курашаётганларнинг 80 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Орамизда ускуналар иш унумдорлигини ошириш бўйича 1965 йил даражасига эришганлар сони 200 дан ошиб кетди. Коллективимиз Садди Пўлатова, Валентина Пидинова сингари донгдор тўқувчилардан неча-нечасини тарбиялаб етиштирди.

Хўш, ишимиз ҳамиша «беш»лигининг, илғорлар сафи кун сайин ўсиб бораётганлигининг сири нимада? Бунинг сири даставвал совет кишиларининг меҳнатга муҳаббати, Ватан бойликларини кўпайтиришга иштиёқи зўрлигида. Шу билан бирга ишчилар, жумладан хотин-қизлар учун яратиб берилган шароитнинг ҳам иш натижасига таъсири бўлмай иложи йўқ. Бизнинг маъмурият ҳам, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларимиз ҳам бу масалага зўр эътибор билан қарайдилар.

Комбинатда ишлаётган хотин-қизларнинг 80 проценти ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мактабда, техникум ва олий ўқув юртларида ўқияпти. Уларнинг нормал ишлашлари, ўқишлари, дам олишлари, даволанишлари ва болаларидан хотиржам бўлишлари учун ҳамма шароит муҳайё. Комбинатнинг ўз дам олиш уйи, санаторийси, поликлиника, туғруқхона ва шифохонаси, маданият саройи, 16 та ясли ва бир неча болалар боғчаси бор. Ёзги лагерда комбинат ишчи ва хизматчиларининг 2000 га яқин боласи дам олади. Йил бошидан буён хотин-қизлардан 400 га яқин киши комбинат санаторийсида ва мамлакатнинг турли жойларидаги дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди.

Тўқимачи хотин-қизларни жамоат ишига тортиш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар олиб бориш, ишчи аёлларнинг оилавий турмушини яхшилаш юзасидан фабрикаларда ва комбинат бўйича тузилган хотин-қизлар советлари фаол ишлаётир.

Мана шундай ҳар томонлама эътибор, меҳрибончилик, ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги туфайли комбинат хотин-қизларининг меҳнат активлиги тобора ошиб бормоқда.

Марҳамат ИЎЛДОШЕВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг арқоқчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТЎРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ҳаво кемасининг бекаси

Қишлоқда деҳқончилик билан шуғулланиб келган кекса бобо қоракўз набираси Марғубанинг бир вақтлар келиб самолётда учиб юришини хаёлига келтирганмикин?! Тағин самолёт бўлганда ҳам қанақаси денг —гўзал реактив «ТУ-104»! Йўқ, у маҳалларда бундай порлоқ тақдирни ким ўйлабди дейсиз!

Марғуба ўсди, улғайди, ўнинчи синфни аъло баҳолар билан тугатди. Шу пайтда граждан ҳаво флотининг Ўзбекистон бошқармаси реактив самолётларга бортпроводниклар қабул қилаётган эди. Марғуба ўйланиб ўтирмасдан тўғри шу касбни танлади. Медицина комиссиясида уни учишга яроқли деб топишди.

Махсус курсларда ўқишлар бошланиб кетди. Бортпроводниклар ҳам экипажнинг барча аъзолари каби авиация ишини яхши билишлари керак. Марғуба пассажирлайнерининг конструкциясини, унинг техник маълумотларини ўрганди, пассажирларга хизмат қилиш технологиясини пухта ўқиб олди. Авиацияга оид жуда кўп китоблар ўқиди. Натижада у курсни тамомлаш синовларидан муваффақиятли ўтди.

Марғубанинг биринчи марта самолётда учганига ҳозир уч йил бўлди. Шу вақт ичида у самолётда 300 мартадан ортиқ ҳавога кўтарилибди. Бу қиз бортпроводниклиги ғоят севиб қолган. Шиддатли тезлик билан учиш унга қувонч бағишлайди.

Бортпроводник Марғуба Мухрумбоева пассажирлар ўртасида зўр ҳурмат ва катта обрў қозониб келмоқда.

— Мен бир неча марта бортпроводник Марғуба Мухрумбоева билан бирга «ТУ-104» самолётида Москвага учганман, — деб ёзибди инженер-экономист Вавилов бортжурналига. — Ҳамма вақт пассажирлар учун барча қулайликларни яратишга ҳаракат қилиб, елиб-югурганини кўриб, ҳар сафар бу қизга нисбатан ҳурматим ортади.

Кабинага кираверишда Марғуба доимо ҳаво саёҳатчиларини самимий кутиб олади. Уларни креслоларга олиб бориб ўтказиб қўяди, қулай жойлашиб олишларига ёрдамлашади. Самолёт учган вақтда эса Марғуба кабинадаги ҳароратни кузатиб боради, пассажирларни лаззатли таомлар билан овқатлантиради, йўлда учрайдиган жойлар ҳақида одамларга ҳикоя қилиб беради. Унга Москва, Новосибирск, Свердловск, Симферополь ва Совет Иттифоқининг бошқа йирик аэропортларига борадиган самолётнинг энг масъулиятли рейсларида пассажирларга хизмат қилиш ишониб топширилади.

Жуда кўп пассажирлар ўзларининг Марғубадан миннатдор эканликларини бортжурналда самимий сўзлар билан изҳор қилишган. Бу сўзлар ишчан ва камтарин қизнинг хизматига берилган энг яхши баҳодир.

Суратда: бортпроводник Марғуба Мухрумбоева навбатдаги сафарга жўнаш олдидан.

Текст ва фото
М. Вишедскийники.

Суратда: Ҳ. ҲАСАНОВА.

СЕРҒАЙРАТ ҚИЗ

...Сессия очилиши олдидан Сталин номли колхознинг механизатори Озода Маматова билан «XIX партсъезд» колхозининг чевар ферримчиси Ҳамида Ҳасанова қуюқ суҳбатлашдилар.

— Хўш, ўртоқжон, — мурожаат қилди Озода, — ишларингиз қалай, қанча пахта тердингиз мавсумда?

— Ёмон бўлмади, — Ҳамида негадир тортиниброқ жавоб қайтарди. — 1959 йилдагидан 213 килограмм ортиқ, яъни 10 тоннадан зиёд терибман.

Сўнгра Ҳамида Озодага мурожаат қилди:

— Сизни механизаторликка ўқиб келиб, машинада пахта терди, дейишди. Бир бориб кўраман дедим-у, сира вақт тополмадим. Колхозимизда машинада нуқул йигитлар терди, бирорта қиз механизаторимиз йўқ.

— Э, юрагингизга қойил-е, Ҳамида, — дади. гапирди Озода. — Бағрингиз тошми дейман. Ахир машина жоннинг ҳузури экан. 1960 йилда сизнинг қўлда терган пахтангиздан роса 16 баравар кўп ҳосил тердим. Агар эртароқ техникани эгалламасангиз, белингиз тезда букчайиб қолади. Шуниям билмайсизми?!

Ҳамида сессия мажлисида ҳам Озоданинг гапи тўғрисида ўйларди. «Дарҳақиқат гапи рост. Аслида ўтган йилиёқ ўқишга жўнайверишим керак эди. Юрак дов бермади-да! Мана энди таъна қилишяпти. Йўқ. Озоданинг маслаҳати ўринли. Райкомкомсомолга кириб гаплашайчи, яна қачон ўқитишар экан қизларни»—бу фикр Ҳамиданинг чеҳрасини ёритгандай бўлди. Ўша куниёқ райкомкомсомол секретари билан учрашди. Мақсади, аҳдини айтди.

— Жуда яхши ўйлабсиз,— қизнинг фикрини қувватлади секретарь. — Келгуси йилнинг февралида Вревскийдаги механизация билим юртига қизларни жўнатамиз. Демак, сизни ҳам рўйхатга киритар эканмиз-да!

— Майли, — ишонч билан деди Ҳамида.

...Турсуной хола қизининг бирдан ўзгариб кетганига бироз таажжубланди. Негаки, унинг ҳаракатлари тез, ўзи хушчақчақ эди. Ниҳоят, она қизига мурожаат қилди.

— Жуда хурсанд кўринасан, қизим, нима гап?

Ҳамида «балки бирдан мақсадни билдирсам, қўймас» деган андишага бориб:

—Шундай, ўзим, ойижон;— деб кўя қолди. Ҳаяжонини яшираолмаганидан бироз ўнғайсизланди.

Она ҳам тинч қўймади. Қизининг «дарди»ни билишга муваффақ бўлди.

— Оббо, сеней, — дея кулимсираб гап бошлади Турсуной хола. — Механизаторлик она касбинг-ку, қизим. Нимасидан уяласан. Эркаклар урушга кетган йиллари мен ҳам трактор миниб ер ҳайдадим, чигит экдим, ғўза қатор ораларини парваришладим... Ўқи, қўлдан кўра техника афзал! Даданги ҳам кўндираман, хавотирланма сира.

...Шу йилнинг февраль ойи бошлари эди. Ҳамида механизаторлик курсига ўқишга кирди. Дастлабки пайтларда шароит унга ғалати туйилди, комбинезонни биринчи марта кийганида жуда ғаши келди. Лекин касбга ҳаваси, ўқишга иштиёқи кун сайин орта борди. Орадан кўп ўтмай, у машиналар ёнидан жилмайдиган бўлиб қолди. Бўш қолди дегунча ўтилганларни мустаҳкамлаш мақсадида тракторларни кўздан кечирар, юргизмаса-да ўриндиққа чиқиб рулни бураради.

Ўша шўх, тиришқоқ қизни энди кўринг. У бутунлай бошқача. Тракторни бошқараётганда кўрсангиз уни танимайсиз. Қўли эпчил, ҳаракати ишончли. «Универсаль», «ДТ—24» тракторларини тажрибали механизаторлардек ҳайдайди: ўзи ҳам рулга жуда ярашиб кетади.

Яқинда Ҳамида ўқиётган билим юртида бўлдик.

— Жуда серҳаракат қиз, — дейди унинг тўғрисида мастер ўртоқ Аметов. — Уқуви ўткир. Айтилган гапни, кўрсатилган нарсани қай вақтда сўрасангиз ўўла жавоб оласиз. Ишига пишиқ. Иложини топса, механизмларга гард юқтирмаса-да.

Ҳа, Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг донгдор теримчиси Ҳамида яхши ният, зўр ишонч билан ўқияпти. У турсунойчилар сафидан муносиб ўрин олиб, бу йилги мавсумда «зангори кема»да 150 тонна «оқ олтин» термоқчи.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири. Фото авторники.

„Совет ҳокимияти ўз қонунларида хотин-қизларнинг ҳуқуқда тенг бўлмаслигидан асар ҳам қолдирмади ва шу билан энг илғор мамлакатларнинг ҳаммасидан кўра демократияни кўпроқ амалга оширди. Такрор айтаманки, ҳеч бир давлат, ҳеч бир демократик қонунчилик хотин-қизлар учун Совет ҳокимияти ўз ҳаётининг биринчи ойларидаёқ қилган ишларининг ярмини ҳам қилган эмас“.

В. И. ЛЕНИН.

ҲАММАСИ СИЗ УЧУН

Районимиз ишлаб чиқаришда 25 мингга яқин хотин-қиз актив иштирок этмоқда. Шу жумладан, саноат корхоналарида 4 мингга яқин хотин-қиз ишлайди. Халқ маорифи ходимлари ҳамда аҳоли соғлигининг посбонлари эса 1300 дан ортади. 16 мингга яқин қиз-жувонларимиз колхоз, совхоз далаларида жонажон Ватанимизга «оқ олтин» ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириб бериш ниятида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида атоқли пахтакорлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, саноат корхоналарининг директорлари, коммунистик меҳнат бригадаларининг бошлиқлари бор.

Хотин-қизларнинг меҳнат шароитини янада енгиллаштириш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари юзасидан конкрет тадбирлар кўрилмоқда.

Яқинда район партия комитетининг бўлиб ўтган бюросида райондаги ҳамма ташкилот, корхона ҳамда колхоз ва совхозларда болалар боғчаси ва яслилари етарли миқдорда ташкил этиш масаласи кўрилди. Район марказининг ўзида юз болага мўлжалланган болалар боғчаси ташкил этилади. Бу-лардан ташқари, аёллар уй юмушини енгиллаштирадиган маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар иш бошлади. Район хотин-қизлар Совети бу соҳада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Районда ишлаб турган хотин-қизлар маданият университетининг ишидан қиз-жувонлар мамнун. Университетда хотин-қизларни қизиқтирадиган кўпгина соҳалар—оила ва никоҳ, бола тарбияси ва маданиятнинг бошқа соҳаларига бағишланган машғулотлар мунтазам ўтказилиб туради. Машғулотларда фан арбоблари, санъат усталари иштирок этмоқдалар.

Ф. САИДБУРХОНОВА,
Оржоникидзе район хотин-қизлар Советининг аъзоси.

Суратда: областимиз қишлоқ хўжалигининг донгдор хотин-қиз лари.

А. Абалян фотоси.

БАРЧА КАРТАЛАРДА ҒЎЗА ТУПЛАРИНИНГ НОРМАЛ ҚАЛИНЛИКДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК!

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз пахтакорлари бу йил 1350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Шу кунларда колхозда ғўза парвариши жиддий тус олди. Суратда: ғўзалар парвариш қилинаётир.
Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СУҒОРИШГА ЗЎР БЕРИНГ, КУЛЬТИВАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИНГ

Мирзачўлда районлараро кенгаш

□ □ □

ГУЛИСТОН. (Махсус мухбиримиздан). Мирзачўлнинг тўрт райони областимизда етиштириладиган пахтанинг деярлик ярмини беради. Пахтакорлар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларига жавобан бу йил пахта, гўшт, сут, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтириш юзасидан зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар.

Яқинда Гулистонда бўлиб ўтган районлараро кенгашда ана шу юксак мажбуриятларни бажариш учун қандай тадбирларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш ишида колхоз раислари, совхоз директорлари, партия ташкилотларининг секретарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, Бекобод, Янгиер, Сирдарё, Гулистон районларининг партия ва совет активлари, шунингдек областнинг партия ва совет ходимлари иштирок этдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Абдураззоқов** кенгашни оча туриб Мирзачўл районлари катта имкониятларга эга эканлигини қайд қилди. Бироқ ҳамма хўжаликларда ҳам бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Айниқса Бекобод ва Янгиер районларида аҳвол яхши эмас, бу районларнинг каттагина майдонларида ҳали чигит текис ундириб олинмаган. Колхоз ва совхозлар суғоришни кечиктирмоқдалар, культивация қизитиб юборилмаган.

Ўртоқ Абдураззоқов Мирзачўл зонаси районлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини далаларда фидокорона меҳнат қилишга, гектарларда кўчатларнинг тўла бўлишига эришиш учун барча зарур тадбирларни амалга оширишга чақирди. Тракторчи ва сувчи — колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг марказий фигураларидир. Улар учун ҳамма шароитларни яратиб бериш лозим. Шундагина рўй берган аҳволни яхшилаб ғўза парвариши соҳасидаги ишларни кўнгилдагидек уюштириш мумкин бўлади.

Кенгашда биринчи бўлиб Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Т. Латипов** сўзга чиқди. Бу колхозда 2300 гектар ерга чигит, 300 гектарга яқин ерга маккажўхори, 350 гектар ерга беда экилган. Сабзавотдан ҳам мўл ҳосил етиштириш тадбирлари кўрилмоқда. Янги боғ ва токзорларга асос солинди. Экиш ишлари уюшқоқлик билан ва юқори сифатли ўтказилди. Трактор парки унумли ва фидокорона ишлади. Чигитлар униб чиқиб қаторлар кўзга ташланиши биланоқ ғўза парвариши бошлаб юборилди. Ҳозир колхоз узунасига ва кўндалангига биринчи культивацияни тугаллаш арафасида. Ғўза кечасию-кундузи суғорилаяпти. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхозчиларнинг унумли ишлаши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилади. Далада иссиқ овқат ташкил этилган, ҳамма шийпонлар радиолаштирилиб, колхозчиларнинг маданий дам оладиган ерига айлантирилди. Ҳар куни социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши якунлаб турилади.

— Ҳозирги долзарб кунларда, — дейди ўз сўзининг охирида ўртоқ Латипов, — колхозимиз аъзолари ҳар минутнинг қадрига етиб меҳнат қилмоқдалар. Ахир, мўл ҳосилнинг тақдири худди шу кунларда ҳал қилинади. Жамоат инспекторлари дала ишларининг сифатини контроллик қилиб борадилар, илғорларнинг иши таъкидланади, бракка йўл қўювчилар қаттиқ танқид қилинади. Колхозимиз меҳнаткашлари жонажон коммунистик партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб олишга қарор қилдилар. Биз бу йил давлатга 7 минг тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилдик.

Гулистон районидаги «Красний Восток» колхозининг раиси ўртоқ **А. Носиров** хўжаликда тузилган новаторлар кенгаши иши ҳақида гапириб берди. Колхознинг илғор кишилари кенгаш ишида актив қатнашмоқдалар ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган қимматли таклифларни киритмоқдалар. Новаторларнинг берган маслаҳати туфайли биз суғоришни кучайтириб юбордик ва бу ишни 20 майдан кечиктирмасдан тугаллаймиз. Колхоз механизаторлари квадратларнинг аниқ чиқишини таъминладилар. Ҳозир узунасига ва кўндалангига культивация кучайтирилди. Яқин кунлар ичида ғўзанинг биринчи цикл парвариши тугалланади ва биз ғўза парваришини пахта пишиб етилгунгача давом эттирамиз. Барча далачилик бригадалари КПСС XXII съезди шарафига мусобақалашиб меҳнат қилмоқдалар.

Минбарда Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **А. Убайдуллахўжаев.** Бу колхозда хўжаликнинг барча тармоқлари муваффақиятли ривожлантирилмоқда ва колхоз экономикаси мустаҳкамланиб бораётир. Капитал қурилишларга ҳар йили кўплаб маблағ ажратилади. Ҳозир пахтакорлар энг қизғин дамларни кечирмоқдалар: ғўзага сув қўйилмоқда. Культивация кучайтирилди. 800 гектар майдондаги ғўза ўтдан тозаланди. Яқин кунлар ичида биринчи культивацияни тугаллаймиз. Жамоат инспекторлари қайд қилганидек, культивациянинг сифати ёмон эмас. Пиллачиларимиз ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти дала ишлари графигининг бажарилишини ҳар куни контроллик қилиб турадилар.

«Социализм» совхозининг директори ўртоқ **С. Акрамов** ўз хўжалигида ғўза парвариши жуда суст ўтказилаётганлигини тан олишга мажбур бўлди. Бунинг сабаби нимада? Совхоз директори ҳамма айбни чопиқ тракторларининг етишмаслигига қўймоқчи бўлади. Бироқ шуни айтиш керакки, кўпгина культиваторлар белгиланган нормани бажармаётир. Анчагина тракторларга культиваторлар тиркалмаган. Шундай экан, ўртоқ Акрамовнинг объектив баҳоналар қидиришига ҳеч бир ўрин йўқ-ку. Ҳаммадан аввал ишни яхши ташкил этишга, мутахассисларнинг ташкилотчилик ролини оширишга эътибор бериш керак. Шундагина аҳволни яхшилаб олиш мумкин бўлади.

Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг раиси ўртоқ **М. Пискорский** ўз сўзида суғориш билан озиқлантириш бир-бирига қандай боғлаб олиб борилаётганлигини айтиб берди. Чигитлар униб чиқиши биланоқ бригадалар азот ишлатиб, кейинроқ эса суперфосфат ишлатиб ғўзани озиқлантиришни бошлаб юбордилар. Озиқлантиришдан сўнг суғоришга зўр берилди. Ҳозир ғўза малакали сувчилар томонидан кечасию-кундузи қондириб суғорилмоқда.

Ўртоқ Пискорский мўл ҳосил етиштиришни таъминлашнинг омили бўлган кўчат қалинлигини сақлаш зарурлиги тўғрисида гапиради. Тошкентдан борган ўртоқлар иккинчи бригадада кўчат сийраклигини аниқладилар. Ахир, худди шу бригада ёнидан правление аъзолари, агрономлар, бригадирлар бир неча бор ўтганлар-ку. Нега улар индашмайди? Афтидан, улар ишга йўл ёқаларидаги кўчатларга қараб баҳо берган бўлсалар керак. Бундай қилиш ярамайди. Кўчат қалинлигини ҳар бир эгат бўйлаб юриб текшириш керак. Шунда қайси бир уяда ўсимлик бор-у, қайси бирида йўқ, очиқ-ойдин равшан бўлади.

Ҳозир колхозда ола чиққан жойларга экиш бормоқда. Шундан кейин сув қўйилади. Колхоз правлениеси колхозчиларга аванс бериб туриш, уларга барча моддий ва маиший шароит яратиб бериш учун курашмоқда. Тракторчилар ва сувчилар ишни юқори сифатли қилиб нормани ортиғи билан бажарганликлари учун анча юқори ҳақ оладилар.

1 «Май» совхози Мирзачўлнинг илғор чорвадор хўжаликларидандир. Совхоз директори ўртоқ **И. Шакалов** хўжаликнинг иш тажрибалари тўғрисида гапириб берди. Ўтган йили совхозда ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 113,4 центнердан ғўшт, 312 центнердан сут етиштирилди. Чорванинг туёғи йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўтган йили 154 сигирдан 171 та бузоқ олинди. Ҳамма зотлар тўла сақлаб қолинди. Бунда совхознинг моҳир бузоқбоқари ўртоқ Вера Мельчакованинг катта хизмати бор. Совхоз коллективи чорванинг озуқа базасини мустаҳкамлаш тўғрисида катта ғамхўрлик қилади. Бу йил маккажўхори ва қанд лавлаги экиш майдонлари кенгайтирилди. Бу экинларни парвариш қилиш муваффақиятли бормоқда. Илғор колхоз чорвадорлари ғўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга қарор қилганлар.

— 410 гектар майдондаги ғўзага сув қўйилди, — деб сўз бошлади 3-«Боёвут» совхозининг директори ўртоқ **М. Иноятов.** Суғориш нега бунчалик суст ўтказилмоқда? Сув етишмаяптими? Лекин гап бунда эмас. Совхозга юборилаётган сув билан ҳар куни бир неча юз гектар майдонни суғорса бўлади. Гап шундаки, раҳбарлар ишни ёмон ташкил этмоқдалар. Суғоришни кечиктириш — бу ўсимликни нимжон ва нобуд қилиш демакдир. Ахир, бу нарсани директор ўртоқ Иноятов ва совхознинг бошқа раҳбарлари яхши билишадику.

Гулистон районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси ўртоқ **И. Тешабоев** сўз олади. Колхоз 13 майда экишни тугаллади, деб айтганида кенгаш қатнашчиларида ажабланиш пайдо бўлди. Ахир, экиш кечиктирилди деган сўз ҳосилга зарар етказилди демакдир. Ўтган йили колхоз ҳар гектар ердан атиги 9 центнердан пахта йиғиб олди. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хўжалик ишларининг кечиктириб амалга оширилганлиги бўлди. Ишнинг сифатига яхши эътибор берилмади. Бироқ, колхоз раҳбарлари ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан ҳали тегишли хулоса чиқариб олмабдилар.

Гулистон районидаги Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ **Р. Муҳамедовнинг** гаплари ҳам кенгаш қатнашчиларини қониқтирмади. У барча майдонларда чигитни бир текисда ундириб олиш, суғориш ва культивацияни кучайтириш учун ҳозир қандай ишлар қилинаётганлигини бирмабир айтиб бера олмади. Афтидан, бу колхозда экилган сўнг ғўза парвариши орасида анча танаффус бўладиганга ўхшайди.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Г. А. Габриельянц** нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида область партия комитетининг секретарлари **С. М. Веселов, Э. Т. Шайхов,** область ижроия комитети раисининг ўринбосари **Б. Г. Мирзабеков** ўртоқлар иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари ғўза парваришининг юзасидан яқин кунлар ичида амалга ошириладиган конкрет тадбирларни ишлаб чиқдилар.

ПАХТАКОР ЎРТОҚ! Ҳамма жойда чигитни бир текис ундириб олиб, гектарларда кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлайлик. Бунинг учун қаторларда чигитнинг қандай униб чиққанлигини текшириб чиқиш ва хато униб чиққан жойлар аниқланган тақдирда қўшимча чигит экиш зарур. Техникадан тўла фойдаланиб, ғўзани узунасига ва кўндалангига сифатли культивация қилишга зўр берайлик. Бу йилги шароитда суғоришни эрта бошлаш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

ҒЎЗАНИ ЯГАНА ҚИЛИШНИ СИРА КЕЧИКТИРМАСДАН ЎЗ ВАҚТИДА ТУГАЛЛАШ ҲОЗИРГИ ҚУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИДИР. ШУНИНГДЕК ҒЎЗАНИ ЁШЛИГИДАН ТЎЙДИРИБ ОЗИҚЛАНТИРИШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК.

ИККИ АГРОНОМ

☆ ☆ ☆

РАҲМОНБЕРДИ РАҲМАТ ЭШИТАЁТИР

Раҳмонберди Қаюмовни идорада учратишингиз жуда қийин. Уни қачон изласангиз, даладан топасиз. Колхозчиларнинг бири икки бўлсин, колхоз қишлоғи янада чароғон бўлсин, деб елиб-югуради. Шунинг учун ҳам у тонгнинг отиши, куннинг ботиши билан ҳисоблашиб ўтирмайди, зарур бўлса, кечани далада — экин бошида ҳам ўтказа беради.

Сталин номли колхоз Янгийўл районидагина эмас, балки бутун республикамиздаги илғор, бадавлат хўжаликлардан бирига айланди. Колхоз қишлоғи эса ҳуси жихатидан шаҳар билан баҳслашмоқда. Клуб, болалар яслиси ва боғчаси, мактаб-интернат, шифохона, ўнлаб магазинлар, дам олиш уйи, қўйинг-чи, кўркам ва обод бир қишлоқ.

Шу бойликларнинг бариси қаердан келаётир? Жавоби тайёр: ердан, тупроқдан ундириб олинмоқда. Бу бойликни ундиришда ер сирини биладиган, экин тилини тушунадиган агроном Раҳмонберди Қаюмов катта ҳисса қўшаётир.

Ўтган йил Раҳмонберди учун синов йили, унутилмас йил бўлди. Йил бошида район қишлоқ хўжалиги инспекциясидаги «соя» жойни тарк этиб, далага — Сталин номли колхозга ўз ихтиёри билан агроном бўлиб чиқиб кетган бу йигитни колхозчилар катта ишонч, зўр умид билан қарши олдилар. «Дарё сувини баҳор тоширади, инсон қадрини меҳнат оширади». Ҳақ гап, Раҳмонберди ёш бўлса ҳам, ишчанлиги, зеҳни ўткирлиги, агротехника қоидаларини яхши билиши, тоқкирлиги билан тез орадаёқ ҳамманинг ҳурматига сазобор бўлиб қолди.

Колхоз аъзолари етти йилликнинг учинчи йилида она-Ватан хазинасига 1350 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» тўкиш, чорвачиликни янада ривожлантириш, хўжаликнинг бошқа соҳаларидан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш мажбуриятини олиб, шу мажбуриятга яраша мардона меҳнат қилаётирлар. Ғўза парвариши қизғин давом этмоқда.

НОМИГАГИНА...

Жданов номли колхоз ғўза парваришда судралмоқда. Ҳавонинг жуда қулай келишига қарамай, колхозда дала ишлари суръати нега бунча суст? Аввало бунга колхоз раҳбарлари, биринчи навбатда агроном Баҳром Иброҳимов айбдор. Қишнинг қуруқ, илиқ кунларидан унумли фойдаланишни бошлиқлар ҳаёлларига ҳам келтирмадилар. Айниқса, кузги шудгор жуда сифатсиз ўтказилди. Суғориш шохобчалари вақтида тозаланиб қўйилмади. Дўппи тор келиб, экиш пайти етганда эса яхши текисланмаган, ёввойи ўт илдизлари, ғўзапоялардан тўла тозаланмаган далаларга ҳам шошма-шошарлик билан чигит экишга киришилди.

Бундай ачинарли ҳол рўй бераётганини агроном Б. Иброҳимов кўрмаётир, билмаётир дейсизми? Кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олмоқда.

— Иброҳимовни тартибга чақира бериб, унга ўргата бериб нималик — дейди район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бош агрономи ўртоқ Ф. Содиқов. — У ўз хатосига иқрор бўладию, тузатишга келганда парвойи-палак.

Район ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бир мажлисида Жданов номли колхоз раҳбарларининг, айниқса агроном Б. Иброҳимовнинг дала ишларида йўл қўйётган жиддий камчиликлари қатиқ танқид остига олинди ҳамда ишда кескин бурилиш ясаш вазифаси топширилди. Лекин колхоз раҳбарлари бундан ҳалигача тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар.

Баҳром Иброҳимов шу колхознинг ўзида саккиз йилдан бери агроном бўлиб ишлаб келса ҳам, колхозда пахтачиликни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш, алмашлаб экиш каби муҳим хўжалик вазифалари устида жон куйдирмайди. Бундан ўн йилча бурун қишлоқ хўжалиги ходимлари тайёрлаш курсида ўқиганлигини пеш қилиб, ўз устида мутлақо ишламайди.

Агроном жон куйдириб ишламагандан кейин экиндан мўл ҳосил олиш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?!

Колхоз ўтган йили пландаги 1530 тонна ўрнига 1344 тонна пахта топширди, яъни давлатдан 186 тонна «оқ олтин» қарздор бўлиб қолди. Машинада пахта териш плани ҳам 74 процентда қолиб кетди. Агрономнинг бепарволиги, бегамлиги шу даражага бориб етдики, пахта терими даврида сортларга ажратиб териш, ифлосланишига йўл қўймасликка ҳам эътибор қилинмади. Натижада колхоз пахта сортининг бузилишига йўл қўйилгани учун 3,5 минг сўм (эски пулда 35 минг сўм) штраф тўлашга мажбур бўлди.

Ери-ерига туташ, бир ариқдан сув ичадиган Сталин номли колхоз маккажўхоридан 346 центнердан поя олганда, Жданов номли колхоз атиги 133 центнер ҳосил олди, холос.

Хўш, бу йил-чи? Ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олиб, колхоз раҳбарлари, жумладан агроном Б. Иброҳимов экин турларини кўпайтиришга интилмаётир, ҳатто ҳосилдорликни ошириш ҳақида қисқача тўхталиб, ўтдик. Районда Баҳром Мирзараҳмедов («Коммунизм» колхозининг бош агрономи), Эргаш Маҳкамов (Карл Маркс номли колхоз агрономи) каби ўз вазифасини ҳалол бажараётган ўз касбининг усталари билан бир қаторда раисининг «топшириғи»нигина бажариб, ҳосилдорликни ошириш, унинг таннархини арзонлаштириш устида ташаббус кўрсатиб ишламаётган Иброҳимов, Т. Усмонов (Свердлов номли колхоз агрономи) каби изланишни истамаётган агрономлар ҳам топилади.

Халқ бойлигини ошириш йўлида астойдил хизмат қилишни истамайдиган, номигагина агроном бўлиб юрадиган шахслар билан қачонгача муросасозлик қилинади? Ёки районда олий маълумотли, янгиликка дадил интилувчи, ишчан агрономлар камми?

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

40 центнер учун

Ўртоқ Низомиддин Исоқулов бошчилик қилаётган бригада аъзолари Гулистон районидаги «Красний Восток» колхозида илғорлар қаторида чигит экиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказган эдилар. Уларнинг эрта баҳорда қилган меҳнатлари ҳозир ажойиб самаралар кўрсатаяпти. 60x50 сантиметрли схема билан экилган юз гектар ердаги чигит бир текис униб чиқиб, яшил квадратлар ҳосил қилди. Ғўзалар мавж уриб ўсмоқда.

Бригада аъзоларининг бу йилги режалари катта. Улар ғўзаларни ҳозирдан бошлаб парвариш қилиб, қатор ораларига икки томонлама ишлов бериб, ҳар гектар ерда 30 центнер ўрнига 40 центнер ҳосил етиштиришмоқчи. Бригада пахтакорлари ана шундай катта режаларни шараф билан амалга ошириш учун ҳозирданоқ белни маҳкам боғлаб ишга киришганлар. Чигит экиш ишида бошқаларга ўрнак кўрсатган экипаж аъзоларидан И. Мустафоев, Д. Сафаров, Н. Исақулов, З. Исломов сингари ўртоқлар ғўзани парвариш қилишда ҳам намунали ишлаб, кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан адо этаётирлар. Шу кунларда бутун куч яганалашни ўз вақтида тамомлаб, ғўза парваришини яна ҳам кучайтириб юборишга қаратилган.

Ғ. АБДУРАҲИМОВ.

Юрагида ўти бор йигит

Шамат ака Ботировни «Оққўрғон» совхозининг 8-бўлими ишчилари: «Юрагида ўти бор йигит», деб аташади. Бу бечиз эмас. Шамат ака 1957 йилдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келади. Ўша йилдан буён бригада пахтакорлари планларини йил сайин ошириб бажариб келмоқдалар. Ўтган йили улар 140 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 цетнердан «оқ олтин» ҳосили кўтардилар.

Бу йил бригаданинг пахта майдони 300 гектарга кенгайтирилди. Бригада аъзолари гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштиришга бел боғлаганлар. Улар ўз мақсадларига эришиш учун йил бошиданоқ астойдил меҳнат қилдилар, чигит экишнинг сифатига жиддий эътибор бердилар. Бунинг оқибати ёмон бўлиб чиқмади. Ҳозир ҳамма майдонлардаги чигит бир текис униб чиқиб, ям-яшил квадратлар ҳосил бўлди. Бригадада ғўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш сифатли ўтказилаётир.

— Кўчатимизнинг чўғи чакки эмас, — дейди Шамат ака, — энди гап парваришни бундан буён ҳам моҳирлик билан ўтказишда қолди. Парваришни ўз вақтида ўтказсак, кўчатларни тўлиқ сақлаб қолсак, бу йилги марра бизники.

Т. МАМАТОВ,
У. ҚУРОЛОВ.

ЧИРЧИҚ МАРКАСИ БИЛАН

ЧИРЧИҚ, (ЎзТАГ). Чирчиқ машинасозлари Мисрга дастлабки бир қанча қишлоқ хўжалик машиналарини юбордилар. Бирлашган Араб Республикасига 90 та 'универсал ариқ қазиш-текислаш машиналари жўнатилди.

«Чирчиксельмаш» заводи бу йил ташқи бозор учун машиналар ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтирмоқда. Бу корхонада тропик иқлимли мамлакатлар учун техника ишлаб чиқарадиган махсус участка ташкил этилди. Май ойида Мисрга яна бир қанча ариқ қазиш машиналари юборилади. Чет элга юбориш учун универсал культиватор-ўғитлаш машиналари ҳам тайёрланмоқда.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Шу йил 14 майда СССР Ташқи ишлар министрлиги Нидерландия ҳукумати номига ёзилган қуйидаги нотани Нидерландиянинг СССРдаги элчихонасига топширди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Ташқи ишлар министрлиги Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, Нидерландия ҳукуматига қуйидагиларни баён этишни зарур деб ҳисоблайди.

1961 йил 12 майда Москва вақти билан соат 17-47 минутда очиқ денгизда, Нидерландия қирғоғидан тахминан 15 миля узоқда, координаталари 52 градус 03 минут шимолий кенглик ва 3 градус 44,5 минут шарқий узунликда бўлган нуқтада Киль каналига томон бораётган «Спокойний» совет кит овлаш кемаси устида голланд ҳарбий самолети айланиб учди. Бу самолет кемани 70—100 метр баландликдан ўққа тутди.

Учта снаряд кемага бевосита яқин жойда портлади. Самолётда қизил, кўк ва оқ рангдаги секторлардан иборат доира белгиси бор эди. Самолетнинг стабилизаторида V рақами; қанотларида ва фюзеляжда 159 рақами қўйилган эди. Бундан ташқари фюзеляжда Кон Марине деб ёзилган эди.

Соат 18 дан 50 минут ўтганда «Спокойний» кемаси устида Голландиянинг 163 рақами қўйилган бошқа бир ҳарбий самолети айланиб учди.

Нидерландия ҳарбий самолетларининг юқорида кўрсатиб ўтилган ва совет кемаларига нисбатан ошкора душманлик характерига эга бўлган ирғоғарлик ҳаракатлари одам қурбонларига сабаб бўлиши ва жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Тамомила равшанки, кема устида шунчалик пастлаб айланиб учган учувчиларнинг бу кема ҳамма мамлакатларга қарашли кемалар фойдаланаётган оддий навигация йўлидан бораётган совет кемаси эканлигини кўрмасликлари мумкин эмас эди.

Совет ҳукумати очиқ денгизда кемалар қатнови эркинлигини қўпол суратда бузишдан иборат бўлган бу ирғоғарлик ҳаракатлари муносабати билан Нидерландия ҳукуматига норозилик билдиради.

Совет ҳукумати Нидерландия ҳукуматидан бу ҳодисани текширишни, айбдорларни жазолашни ҳамда бу хил ирғоғарлик ҳаракатларига келгусида йўл қўйилмаслиги учун чоралар кўришни талаб қилади.

«ПАХТАКОР»ДА КАТТА САНЪАТ БАЙРАМИ



Марказий «Пахтакор» стадиони санъат байрами кунларида.

СССР халқ артисти Шукур Бурхонов В. И. Ленин ролида.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Петр Глебов ва машҳур киноактриса Людмила Хитяева.

Тамошабинлар муҳаббатини қозонган кино артистлар Антонина Максимова ва Владимир Ивашев.

РСФСР да хизмат кўрсатган артист Рина Зеленая.

Шу йил 13 ва 14 майда Тошкент марказий «Пахтакор» стадионида катта санъат байрами бўлиб ўтди. Москва, Ленинград, Тошкент санъат усталарининг бу байрами партия XXII съездига бағишланди. Бундай тамошалар яқинда бунёдга келган бўлса ҳам, лекин улар ҳозирдаёқ ажойиб традициялар касб этди. Бу традициялар миллион-миллион тамошабинларга манзур бўлмоқда. Жаҳонда биринчи марта социалистик давлат бунёдга келган Октябрь кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи муқаддималар ана шундай традициялардан бири бўлиб қолди. Мана, броневик пайдо бўлади, унинг башнясида Ленин турибди. СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов улуғ йўлбошчининг ўлмас образини ярата олган. «Аврора» залпари гумбирлаб эшитилади, ишчилар, солдатлар, матрослар Қишки саройга ҳужум бошлайдилар...

Мамлакатимиз тарихи саҳифалари варақланаётгандай туюлади. Яшил майдонда болалар пайдо бўладилар, уларнинг ота-боболари порлоқ келажакни ана шулар учун қўлга киритганлар.

Жуда катта гул очилади. Бу — эстрада эди. Оддий саҳна билан стадионнинг саҳни ўртасида нақадар катта фарқ борлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Маълумки, жуда кенг майдонга спектакль ёки кинофильмлардан парчаларни оддий тарзда кўчириш имконияти йўқ. Байрамнинг постановкачилари — бош режиссер И. Рахлин, рассом Ю. Юнгвальд-Хилькевич, балетмейстер Б. Завьялов ҳар бир номерни қайтадан саҳналаштириб улар учун оммавий халқ сайилларига мос келадиган шакл топа олганлар.

Севимли фильмларнинг кадрлари жонлангандай бўлади. Григорий Мелеховнинг «Ўзгинаси» тўриқ отни елдириб келмоқда. Шолоховнинг «Тинч Дон» романи бўйича қўйилган фильмда ўйнаб, тамошабинлар меҳрига сазовор бўлган артист — ана шу кишидир. Тамошабинлар тўриқ отни елдириб келаётган бу киши машҳур артист Петр Глебов эканлигини, шўх Дарья—Людмила Хитяева эканлигини дарров таниб олишади. Тамошабилар Антонина Максимова ва Владимир Ивашев ижросидаги «Солдат ҳақида қисса» деган фильмнинг қаҳрамонларини, «Отелло» кинофильмидан парчалар ижро этган Сергей Бондарчук ва Ирина Скобцева сингари кино санъатининг ажойиб усталарини,кўпгина фильмларда ўйнаб ном чиқарган Николай Рибников, Зоя Федорова, Глеб Романов, Даниил Сагални энг яхши дўстларидек кутиб оладилар.

Тамошабинлар СССР халқ артисти Константин Лаптев, СССР халқ артисти Раиса Стручкова ва республикада хизмат кўрсатган артист Александр Лапаури сингари таниқли опера ва балет усталари билан танишишга муяссар бўлдилар. Рина Зеленая, Капиталина Лазаренко, Герман Орлов, Эдуард Велецкий, Борис Дубров ва бошқа машҳур эстрада артистлари зўр муваффақият қозондилар.

Санъат байрамининг финали ниҳоятда чиройли манзара касб этади. Мана, кучли тракторлар қўриқ ерларни ҳайдамоқда, тўғонлар қад кўтармоқда, далаларга сув таралмоқда... Шунда пахта чаноғи очилади — чаноқ ичидан «Баҳор» ансамблининг қизлари чиқиб, рақсга тушадилар.

Минг-минглаб мушақларнинг ранг-баранг нурлари кенг стадион узра порлаб, мовий баҳор осмонини ёритиб юборади.

С. НАГИБИНА, Е. ЕФИМОВ.
(ЎзТАГ мухбирлари).

Братиславада самимий кутиб олиш

БРАТИСЛАВА, 14 май. (ТАСС). Чехословакия Компартиясининг 40 йиллигини байрам қилишда қатнашган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегацияси бугун Прагадан Чехословакия Социалистик Республикасининг йирик саноат ва маданий маркази, Словакиянинг бош шаҳри Братиславага келди. Делегация билан бирга Чехословакия Компартияси Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари И. Гендрих, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати раисининг ўринбосари Р. Стрехай, Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри В. Давид ва бошқа кишилар ҳам келдилар.

Самолёт келишидан анча олдин азиз совет меҳмонларини кутиб олиш учун бу ерга Братиславанинг жуда кўп аҳолиси тўпланди. Бу ерда Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Бацилек, Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси П. Давид ва Словакиянинг бошқа партия, давлат ҳамда жамоат арбоблари бор эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС делегациясининг аъзолари самолётдан чиққанларида бутун аэродромда гулдурос қарсаклар бошланди. Л. И. Брежнев ва КПСС делегациясининг бошқа аъзолари К. Бацилек, П. Давид ўртоқлар ва бошқа кутиб олувчилар билан қучоқлашиб ва қўл қисишиб кўришадилар.

Брежнев, Бацилек ва Гендрих ўртоқлар очиқ машинага чиқадилар.

Шаҳар кўчаларида совет меҳмонларини минглаб кишилар табриклади. Ҳамма жойда «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин КПСС!», «Яшасин ўртоқ Хрушчев!», «Яшасин Чехословакия Коммунистик партияси ва Чехословакия Социалистик Республикаси!», «Совет Иттифоқи билан абадий бирга бўламиз!», «Ура!» деган табрик хитоблари эшитилиб турди. Л. И. Брежнев ва делегациянинг бошқа аъзолари қардошларча кутиб олинганликлари учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, чехословак халқининг содиқ дўсти — совет халқига изҳор қилган қизғин дўстлик ва муҳаббат туйғулари учун Братислава меҳнаткашларига чин қалбдан ташаккур айтадилар.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ПАРИЖ, 15 май. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг XVI съезди кеча кечқурун ўз ишини тамомлади.

Съезд делегатлари Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ўртоқ Вальдек Роше қилган докладини уч кун муҳокама қилдилар.

Съезд Марказий Комитетни ва бошқа раҳбар органларини ҳам сайлади. Қисқа муддатли танаффус вақтида янгидан сайланган Марказий Комитетнинг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда партия Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва секретариати сайланди. Морис Торез, Ф. Бийу, Ж. Дюкло, Э. Фажон, Л. Фейкс, Б. Фрашон, Ж. Фришман, Р. Гароди, Р. Гюйо, Ж. Марше, Л. Мовэ, В. Роше, Ж. Вермерш ўртоқлар Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзолари қилиб сайландилар. Г. Ансар, Ж. Сеги, П. Лоран Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар қилиб сайландилар. Ўртоқ Морис Торез партия Марказий Комитетининг бош секретари қилиб, Вальдек Роше бош секретарнинг ўринбосари қилиб (бу янгидан таъсис этилган лавозимдир) сайланди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЮБИЛЕЙ ПЛЕНУМИ

ПРАГА, 13 май. ТАСС мухбири **М. Никиточкин** хабар беради: Чехословак халқи ўз Коммунистик партиясининг 40 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқда. Бугун шонли юбилей арафасида Чехословакиядаги ҳамма меҳнаткашларнинг назар-эътибори Прага градининг тарихий Испан залига қаратилган. Бу ерда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тантанали пленуми очилди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти А. Новотний, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Барак, К. Бацилек, П. Давид, Я. Доланский, И. Гендрих, В. Копецкий, З. Фирлингер, О. Шимунек, В. Широкий, Я. Глина, Р. Стрехай, Л. Янковцова, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретарлари, Миллий фронтнинг раҳбар арбоблари президиумга чиққанларида залдагилар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Чехословакия Социалистик Республикасининг раҳбарлари билан бирга КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС делегацияси, бошқа қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг делегациялари ҳам президиумдан жой оладилар.

Пленумни Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси В. Широкий очди. У Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС делегациясини қизғин табриклайди. Залда КПСС ва Совет Иттифоқи шарафига гулдурос қарсаклар бошланади. Сўнгра ўртоқ Широкий Чехословакия Коммунистик партиясининг 40 йиллиги байрамига келган бошқа қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг делегацияларини, Коммунистик партиянинг кекса арбобларини, революцион ҳаракат ветеранларини, Миллий фронт вакилларини ҳаммасининг қизғин қарсаклари остида табриклайди.

В. Широкий Чехословакия Коммунистик партиясининг 40 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Новотнийга сўз беради. Пленум қатнашчилари уни самимий кутиб оладилар. Залдагилар ўринларидан туриб, шонли Чехословакия Коммунистик партиясини гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар.

Чехословакия Коммунистик партиясини тузиш учун Чехословакия Республикасининг ҳамма қисмларидан 569 делегат Прагага тўпланган кунга эртага 40 йил тўлади, деди А. Новотний. Чехословакия Коммунистик партияси олдига буржуазияга қарши курашда меҳнаткашларга бошчилик қилиш ва уларни Чехословакияда социализм ғалабасига олиб келиш вазифаси қўйилган эди. У меҳнаткашларни коммунизмга ҳам бошлаб боради.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи социалистик лагерь мамлакатлари, шу жумладан Чехословакия Социалистик Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1980 йилгача мўлжалланган перспектив планини ишлаб чиқмоқдалар. Шу давр ичида Чехословакияда илғор социалистик жамият қурилади. Коммунизмнинг моддий техника базаси вужудга келтирилади ва иҳтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида коммунизмга аста-секин ўтиш бошланади.

А. Новотний ўз докладининг шундан кейинги қисмида бутун дунёда тинчлик кучларининг ривожланиши ҳақида гапирди.

А. Новотнийнинг доклади гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Чехословакия Халқ партиясининг раиси И. Плойгар, Чехословакия Социалистик партиясининг раиси А. Нейман, Словакия юксалиш партиясининг раиси И Кисели, озодлик партиясининг раиси М. Жакович сўзга чиқиб, Чехословакия Коммунистик партиясини табрикладилар.

КПСС делегациясининг бошлиғи Л. И. Брежневга сўз берилади. Залда узоқ вақт қарсаклар давом этади. Залдагиларнинг ҳамма «Яшасин КПСС!», «Яшасин Совет Иттифоқи!», деб қайта-қайта хитоб қилади.

КПСС Марказий Комитети номидан, Совет Иттифоқи коммунистлари ва бутун совет халқи номидан ўртоқ Л. И. Брежнев пленум қатнашчиларига ва улар орқали Чехословакиянинг ҳамма коммунистларига, бутун чехословак халқига мамлакат ҳаётидаги катта ва қувончли воқеа — шонли Чехословакия Коммунистик партиясининг 40 йиллиги муносабати билан энг самимий табриклар топширади.

Л. И. Брежнев кейинги вақтда кўпгина қардош партияларнинг қирқ йиллиги нишонланганлигини айтиб, бундай деди:

Деярли айни бир вақтда бир қанча марксча-ленинча партияларнинг вужудга келганлиги тасодифий бир ҳол эмас эди, албатта. Бу Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қудратли таъсири остида халқаро революцион ҳаракатнинг зўр куч билан юксалишининг қонуний натижаси бўлди. Октябрнинг қудратли машъали барча мамлакатлардаги меҳнаткашларга зулм ва эксплуатациядан халос бўлишнинг тўғри йўлини ёритиб берди, бутун дунёдаги халқларнинг революцион кучлари ҳаракатга келди.

Чехословакия Коммунистик партияси ,бутун чехословак халқи ўзининг қирқ йиллик юбилейига социалистик қурилишдаги буюк муваффақиятлар билан келдилар, деб давом қилди Л. И. Брежнев. Чехословакия коммунистлари ўзларининг умумдавлат конференциясида Чехословакияда социализмнинг тўла ғалаба қилганлигини айта олганликларидек муҳим факт ана шу муваффақиятларнинг ифодасидир. Бу тарихий ғалаба Чехословакия Социалистик Республикасининг янги конституциясида қонун билан мустаҳкамланди.

Жаҳонда биринчи социалистик давлат — Совет Иттифоқи халклари номидан биз жонажон қардошимиз — чехословак халқини Коммунистик партия раҳбарлигида эришган ана шу буюк ғалабаси билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

Л. И. Брежнев коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москва кенгаши қабул қилган ҳужжатларнинг тарихий аҳамиятини уқтириб ўтиб, бундай деди: Азиз ўртоқлар ўз томонимиздан сизларни ишонтириб айта оламизки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Марказий Комитети Москва кенгаши қарорларини бажариш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар ҳамда социалистик лагернинг ва бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини тағин ҳам мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам бутун чорани кўрадилар.

Тантанали мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Л. И. Брежнев Чехословакия Коммунистик партиясининг қирқ йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг табриги текстини ўқиб беради. Сўнгра КПСС делегациясининг бошлиғи Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига Совет Иттифоқи коммунистларининг эсдалик совғасини—бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленининг бюстини тақдим этди.

Залда яна қарсаклар бошланади.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилиги учун «А» класс футбол мусобақасининг 7-тури якунланди. Иккинчи кичик группа командалари ўртасидаги учрашувларнинг энг қизиғи Москвада «Динамо» стадионида бўлди. Бу ерда Армия Марказий спорт клуби командаси кишиневлик «Молдова» футболчиларини 6:4 ҳисоби билан ютди.

Бизнинг «Пахтакор» унча кучли бўлмаган «Калев» (Таллин) командасини ютолмай, ўйинни дуранг (1:1) қилди. Шундай қилиб «Пахтакор» 6 учрашувдан 6 очко тўплади.

«Зенит» (Ленинград) ўз майдонида «Спартак» (Ереван) билан учрашди ва ҳисоб очилмади (0:0). Минскда «Беларусь» командаси билан учрашган «Қайрат» (Олмаота) сурункасига учинчи ғалабани қўлга киритди. Қозоқлар ҳужумчиси Скулкиннинг 25-минутда урган бир тўпи масалани ҳал этди. Киев динамочилари биринчи мағлубиятга учрадилар. Улар «Спартак» (Москва)га 0:2 ҳисоби билан ютқаздилар.

ШТАНГА

Ўтган якшанба куни пойтахтдаги М. Горький номли паркда Ленинград ва Ўзбекистон терма командаларининг штанга бўйича матч учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувда жаҳон рекордчиси, олимпиада ўйинлари чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери Федор Богдановский (Ленинград) ҳам қатнашди. Қизғин кураш вазиятида ўтган бу мусобақада команда ҳисобида ленинградлик штангачилар 5:4 ҳисоби билан ютдилар.

Шахсий зачетда ўз оғирлик категорияларига қараб Столповский, Богдановский, Веселов, Косьянов, Бурундуков (ҳаммаси Ленинграддан), Ли Владимир, Петросов, Шарипов Корепанов (Ўзбекистон) ўртоқлар ғолиб келдилар.

Бу мусобақада 10 та рекорд: Ленинграднинг бешта, Ўзбекистоннинг бешта рекорди қўйилди.

ВОЛЕЙБОЛ

ОДО паркида «Б» класс мастерлари ўртасида юқори классга ўтиш учун волейбол мусобақаси ўтказилмоқда. Бунда Молдавия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Туркманистон, Арманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон (электрлампа заводи) командалари қатнашаётир. 13 ва 14 майда бўлган икки учрашувда Ўзбекистон волейболчилари ғолиб чиқдилар. Ҳозир улар мусобақада лидерлик қилмоқдалар. Волейболчилардан Лешина, Ряхина, Қаҳҳорова, Катасонова, Туменова ўртоқлар юксак техника намунасини кўрсатаётирлар.

БАСКЕТБОЛ

Тошкентдаги «Старт» стадионида «А» классига ўтиш ҳуқуқига эга бўлиш учун баскетбол бўйича ўтказилаётган мусобақа қизғин давом этмоқда. Бу мусобақада Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Туркманистон ва Ўзбекистон республикаларининг хотин-қиз спортчилари қатнашмоқдалар. Мусобақанинг ўтган икки кунида Молдавия ва Қозоғистон баскетболчилари бирор марта ҳам мағлубиятга учрамадилар.

СССР халқ артисти Сергей Бондарчук ва талантли кино артисти Ирина Скобцева. А. Абалян фотолари.

Телевизор экранида

16 МАЙДА

19.00. «Техника оламида». Ўзбек тилида телеочерк.

19.25. «Келажакка парвоз». Ўзбек тилида адабий эшиттириш.

20.00. Ўзбекистон хотин-қизлари II съездига бағишланган концерт олиб кўрсатилади.

Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша залларида

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/V да **Ҳуррият**, 17/V да **Алишер Навоий.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 17, 18, 19, 20, 21/V кеч соат 8 да **Ҳинд рақс труппаси «Кумар Самбхав» спектакллари.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инсон таслим бўлмайди — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да), НАВОИЙ номли (кеч 5 гача).

Яна тонг отди — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Йўлнинг охири — НАВОИЙ номли (кеч соат 8-40 ва 10-20)

Узун девор орқасида — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Номавжуд одам—«СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Сўнгги залпилар — «ВАТАН» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инсон таслим бўлмайди—«ВАТАН» (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда), НАВОИЙ номли (кеч 9 ва 10-40 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 8 ярим ва 10-15 минутда), «УДАРНИК» (кеч 8-45 ва 10-45 минутда), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8-45 ва 10-20 минутда).

Эҳтиёт бўлинг, буви — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

Номавжуд одам — ПУШКИН номли (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда).

СТАЛИН НОМЛИ ПАРКДА

(ёзги театр)

20 майдан 30 майгача

ЛОҲУТИЙ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОЖИК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

20/V да — **Дохунда.**
21/V да — **Рудакий.**
22/V да — **Момақалдироқ.**
23/V да — **Севганидан айрилмасин.**
24/V да — **Имтиҳон.**
25 /V да — **Шоҳ Лир.**
26 /V да — **Хаёт ва ишқ.**
27 /V да — **Қулаш.**
28 /V да— **Севганидан айрилмасин.**
30 /V да — **Рудакий.**

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар театр кассасида ҳар куни кундуз соат 2 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

1961 ЙИЛ 30 МАЙДА КАЛИНИН ШАҲРИДА

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ

81-асосий ютуқлар тиражи бўлади

Тиражда заёмнинг 16 разрядига 7.440.320 сўмлик 136000 ютуқ ўйналади.

3% ли заём облигациялари ҳамма омонат кассаларида сотилади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олингиз!

Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги

2-СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ беморларни

эрталаб соат 9 дан кеч 8 гача

қабул қилади

Поликлиника ҳузурида: даволаш, хирургия ва тиш қўйиш кабинетлари бор.

Мурожаат учун адрес: Месткомовская кўча, 54-уй (2, 3-троллейбус, 24, 6-автобуснинг «Пединститут» остановкаси).

«ТАШМИНВОДИ» КАСАЛХОНАСИГА

медсестралар, диетсестра, санитаркалар, механик-слесарь ва ошпаз

керак

Мурожаат учун адрес: Калинин район, «Ташминводи» касалхонаси.

Краснодон тупик, 2-уйда турувчи **Матлуба Мирсоатованинг** шу уйда турувчи Тўлаган Мирсоатовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Жарариқ кўча Домком проезд, 14-уйда турувчи **Дилбар Содиқова** (Усмонова)нинг Уйғур кўчаси, Торкўча проезд, 51-уйда турувчи Абдураҳмон Содиқовдан ажралиш ҳакидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 00872. Нашр. В. 1596.